

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ
ҚЎРИҚЛАНИШИНИ ШАХСИЙ ТРЕКЕРЛАРДАН Фойдаланган
Ҳолда Ташкил этиш – ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИДИР
ОРГАНИЗАЦИЯ ФИЗИЧЕСКОЙ ОХРАНЫ ГРАЖДАН
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ПОСРЕДСТВОМ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
ПЕРСОНАЛЬНЫХ ТРЕКЕРОВ – НАДЁЖНЫЙ ГАРАНТ ОБЕСПЕЧЕНИЯ
ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ**

THE ORGANIZATION OF PHYSICAL PROTECTION FOR CITIZENS OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN THROUGH THE USE OF PERSONAL
TRACKERS IS A RELIABLE GUARANTOR OF ENSURING PUBLIC SAFETY

Очилов И.Н.,

*Ўзбекистон Республикаси МГ ҲТИ
кафедра доценти, доцент*

Аннотация

Мазкур мақолада мамлакатимизда фуқароларнинг жисмоний қўриқланишини ташкил этиш бўйича ишларнинг бугунги ҳолати кўриб чиқилди, жамоат хавфсизлигининг даражасини ошириш учун GPS-трекерлардан фойдаланган ҳолда шахсларнинг жисмоний қўриқланиши билан боғлиқ бўлган Миллий гвардия қўриқлаш хизматининг аҳолига тақдим этадиган хизмат турларини кенгайтириш таклифи берилди.

Аннотация

В статье рассмотрено нынешнее состояние дел по организации физической охраны граждан в стране, для повышения уровня общественной безопасности предложено, посредством использования персональных GPS-трекеров расширение перечня охранных услуг, оказываемых службой охраны Национальной гвардии, связанных с физической охраной лиц.

Annotation

The article considers the current state of affairs regarding the organization of physical protection of citizens in the country, to increase the level of public safety, it is proposed, through the use of personal GPS trackers, to expand the list of security services provided by the National Guard security service related to the physical protection of persons.

Таянч сўз ва иборалар: подвижный объект, GPS, охрана, трекер.

Ключевые слова и фразы: ҳаракатланувчи объект, GPS, қўриқлаш, трекер.

Key words and phrases: moving object, GPS, security, tracker

Бугунги кунда, турли объектларнинг ишончли қўриқланишини таъминлаш масалаларига мамлакатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахслар мулкининг қўриқланишини таъминлаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4060-сон қарорига мувофиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни назарда тутувчи “Хавфсиз хонадон” концепцияси маъқулланган бўлиб, 2022 йил 31 декабрга қадар республиканинг барча ҳудудларида Тошкент шаҳрида амалга оширилган техник қўриқлаш ва ҳаракатланиш пунктларига хабарни узатиш ва марказлашган кузатувнинг автоматлаштирилган тизимини босқичма-босқич жорий этиш белгиланди.

Мазкур қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизмати (бундан буён қўриқлаш хизмати деб юритилади) томонидан республикамизнинг барча ҳудудларида “Приток-А” интеграллашган қўриқлаш ва ёнғиндан огоҳлантирувчи тизими ўрнатилмоқда. Ушбу тизим қуйидагиларни таъминлайди:

стационар (алоҳида объектдан катта шаҳаргача) ва мобил (транспорт воситалар, одамлар ва ҳ.к.) объектларнинг қўриқланишини;

ёнғин содир бўлиши ва бошқа фавқулотда ҳолатлар ҳақида огоҳлантириш; танқидий муҳим объектлар ва эҳтимолли хавфли юкларнинг мониторингини;

ҳуқуқбузарликларни назорат қилиш ва олдини олиш (“Хавфсиз шаҳар” дастури доирасида).

“Приток-А” интеграллашган қўриқлаш ва ёнғиндан огоҳлантирувчи тизимининг таркибига қуйидагилар киради: телекоммуникацион алоқалар (Приток-ТСР/IP), қўриқлаш-ёнғин сигнализация (ОПС Приток-А), радиоқўриқлаш (Приток-А-Р), уяли алоқа каналлари бўйича қўриқлаш ва мониторинг қилиш (Приток-GSM), микрорадиоқўриқлаш (Приток-МКР), очиқ Интернет орқали қўриқлаш ва мониторинг қилиш (Приток-WEB), ҳаракатланувчи объектларни қўриқлаш ва мониторинг қилиш (Приток-МПО-ГЛОНАСС/GPS), кириш-чиқишни назорат қилиш ва бошқариш (Приток-СКУД), видеокузатиш (Приток-Видео) ҳамда телефон ва радио сўзлашувларни қайд этувчи (Приток-РТП) кичик тизимлар.

“Приток-А” интеграллашган қўриқлаш ва ёнғиндан огоҳлантирувчи тизим катта имкониятларга эга бўлишига қарамасдан ҳозирги кунда мамлакатимизда қўриқлаш хизмати томонидан амалда фақатгина қўриқлаш-ёнғин сигнализация (ОПС Приток-А) ва уяли алоқа каналлари бўйича қўриқлаш ва мониторинг қилиш (Приток-GSM) кичик тизимларига уланиш таклиф этилишини кузатишимиз мумкин.

Гарчи, мамлакатимиз Президентининг юқорида ном олган қарорларида “мулкни қўриқлаш бўйича хизмат турларини кенгайтириш, шу жумладан транспорт воситалари ва бошқа ҳаракатланувчи объектларни қўриқловга олиш...” деб белгиланган бўлса ҳам [1].

2019 йилнинг октябр-декабр ойларида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтининг Тошкент шаҳри Олмазор туманида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ишларни сифат жиҳатидан мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар режасига мувофиқ Миллий гвардиянинг Тошкент шаҳридаги Қўриқлаш бошқармаси мутахассислари билан ҳамкорликда туман ҳудудидаги маҳаллаларда “Приток-А” қўриқлаш пултига уланиш афзалликлари юзасидан тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилди. Ўтказилган тадбирлар давомида шу аён бўлдики кўп сонли фуқаролар айнан жисмоний қўриқлаш хизматларининг мавжудлигига катта қизиқиш билдирган.

Демак, ҳаракатланувчи объектларнинг, шу жумладан одамларнинг жисмоний қўриқланишини нима орқали ташкил этиш мумкин?

Бугунги кунда жисмоний қўриқлашга шахсий трекерлардан фойдаланиш орқали эришиш мумкин.

Шахсий GPS-трекер – ихтисослаштирилган трекер жисмоний шахслар, қимматбаҳо юклар ёки бошқа объектларнинг ҳаракатланиши ва жойлашувини назорат қилиш учун мўлжалланган бўлиб, ички ўрнатилган автоном электртаъминот манбаига эга [2].



1-расм. Шахсий GPS-трекернинг кўриниши

Шахсий GPS-трекерлар максимал кўлай ҳисобланиб, бир қатор афзалликларга эга:

- ортиқча тугмачаларнинг йўқлиги;
- кичик габарит ўлчамлар ва оғирликка эгалиги;
- жойлашни аниқлашнинг юқори аниқлиги;
- ички ўрнатилган аккумулятордан узок вақт давомида ишлаши.

Бу каби мосламаларнинг амалий қўлланилиши минимумгача соддалаштирилган. Фойдаланувчи назорат остидаги объектнинг (шахсий GPS-трекер ташувчини) ҳаракатланишини деярли бутун Ер шари худуди бўйича кузатиши мумкин.



2-расм. Шахсий GPS-трекер ташувчисининг виртуал харитада акс эттирилиши

GPS-трекерининг ишлаши учун маълумотларни ўзатиш хизмати ёқтирилган SIM-карта зарур. GPS-қабулқилгич томонидан аниқланадиган координаталар белгиланган даврийлик билан хизмат кўрсатувчи қўриқлаш хизматининг Техник қўриқлаш марказига юборилади.

Трекерларнинг айрим моделларида микрофон мавжуд, бу эса бир томонлама товушли алоқани амалга ошириш ва трекер ташувчиси мавжуд бўлган жойда товушли фонни эшиттириш имконини беради. Шахсий трекерларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири – “**SOS тугмачаси**”нинг мавжудлиги ҳисобланади. Ёш болакай, ёши катта одам ёки масалан қимматбаҳо юкларни кузатувчи ходим мазкур тугмачадан фойдаланган ҳолда ўзининг жойлашув координаталари билан бирга ташвиш сигналини дарҳол юбориш имконига эга бўлади.

Шунингдек, шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, GPS-трекинг дастурий-аппаратли мажмуасидан фойдаланиш назорат остидаги объект жойлашиши мумкин бўлган майдоннинг чегараларини белгилаш имконини беради. Агарда объект электрон харитада белгиланган майдоннинг чегараларидан чиқиб кетса, трекер ҳаракатланиш ҳақида сигнални юборади. Бунда мазкур хизматнинг фойдаланувчиси ўзининг мобил телефонига SMS-хабарини қабул қилади. Бу эса воқеага (масалан, ёш бола дарслар тугаганидан сўнг мактаб худудини тарк этди, бироқ спорт тўғарагига бормади) тезкор таъсирланиш имконини беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш жойизки, бугунги кунда қўриқлаш хизматида

режалаштириладган ва амалга ошириладган замонавий технологияларни жорий этиш буйича ишлар, мамлакатимиз фукараларининг замонавий талабларини эътиборга олган ҳолда ташкил этилиши лозим. Мамлакатимиз фукараларининг ҳаракатланувчи объектларни кўриқловга олиш буйича хизматлар кўрсатилишининг йўлга қўйилиши ҳақидаги қизиқишлари бунинг яққол тасдиғидир.

Шу билан бирга, алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, жисмоний шахсларнинг кўриқланишини йўлга қўйилиши, мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини янада юқори даражаларга кўтаришга кўмаклашади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахслар мулкининг кўриқланишини таъминлаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4060-сон қарори.

2. Изучение возможности применения носимых средств позиционирования, обеспечивающих передачу информации по каналам сотовой связи, в качестве средств индивидуальной тревожной сигнализации. Аналитический обзор. НИЦ «Охрана» МВД РФ.

Электрон манбалар:

www.mlinemoscow.ru, info@gurtam.com, eleko@list.ru.